

ЎЗБЕК ШОМОН АФСОНАЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ЎРГАНИЛИШИ

Илҳомжон ДАРМОҶОВ

Тадқиқотчи

Алишер Навоий номидаги

Ўзбек тили ва адабиёти университети

Тошкент, Ўзбекистон

Аннотация

Мазкур мақолада ўзбек шомон афсоналари ва уларни филологик аспектда ўрганишнинг моҳияти борасида мулоҳазалар юритилган. Шунингдек, туркий халқлар фольклоршунослигида шомон афсоналарининг тўпланилиш тарихи, илмий таҳлилга тортилиши ва фольклоршуносликнинг муҳим объекти сифатида ўрганилиши борасида илмий назарий хулосалар берилган.

Таянч сўзлар: шомон, афсона, сюжет, мифологик ҳомий, эътиқодий қараш, мотив, фольклоршунос.

УЗБЕКСКИЕ ШАМОНСКИЕ ЛЕГЕНДЫ И ИХ ИЗУЧЕНИЕ

Илҳомжон ДАРМОҶОВ

Исследователь

Университет узбекского языка и литературы

имени Алишера Навои

Ташкент, Узбекистан

Аннотация

В данной статье рассматриваются легенды узбекских шаманов и важность их изучения в филологическом плане. Приводятся также научно-теоретические выводы об истории сбора шаманских легенд в фольклоре тюркских народов, их анализе и изучении как важного объекта фольклора.

Ключевые слова: шаман, миф, сюжет, мифологический покровитель, религиозный взгляд, мотив, фольклорист.

Халқимиз маънавий мероси таркибида ҳали мустақил ўрганилиши керак бўлган қадриятлар талайгина. Хусусан, аждодларимизнинг архаик мифологик тасаввурлари, эътиқодий қарашлари билан боғлиқ оғзаки айтимларни изчил тўплаш ва тадқиқ этиш масаласи бугунги кунимизнинг муҳим назарий муаммоларидан бири сифатида кун тартибидан ўрин олган. Глобаллашув жараёнида миллатларнинг ўзлигини англаш, дунёнинг ибтидоси борасидаги дунёқарашини ўрганиш шу халқнинг бадиий тафаккури тарихи ва унинг тадрижий такомилени теран таҳлил қилиш ва бу борада аниқ

назарий умумлашма хулосаларни кўлга киритишга имкон яратади. Мана шундай алоҳида тадқиқ этиш лозим бўлган фольклор жанрларидан бири ўзбек шомон афсоналаридир.

Ўзбек шомон афсоналари ўзбек фольклоршунослигида алоҳида монографик тадқиқ этилмаган. Фақат таниқли фольклоршунос Олим Қаюмовнинг “Ўзбек шомон маросим фольклори” борасида яратган фундаментал тадқиқотида ўзбек шомон афсоналари фольклор жанри эканлиги асосланган холос [15;115-125]. Бироқ, устоз фольклоршунос О.Қаюмов ҳам шомон афсоналарининг жанр табиатига бағишланган илмий мақоласида бу типдаги афсоналарни изчил тўплаш, монографик тадқиқ этиш заруратини алоҳида таъкидлаган эди [13;38-40].

Туркий халқлар шомон афсоналари дастлаб ёқут этнографи Г.В.Ксенофонов томонидан ёзиб олиб, эълон қилинди. Олимнинг 1920-йиллар охирида эълон қилган ёқутлар ва бошқа Сибир халқлари шомонлиги борасида олиб борган ишларида ёқут шомонларининг қамланиши билан боғлиқ оғзаки ҳикоялар матни келтирилади [6]. Г.В.Ксенофонов гарчи этнограф сифатида илмий кузатишлар олиб борса-да, у жамият ва шахс ҳаётида муҳим аҳамият касб этиб келаётган табиат ҳақидаги фантастик тасаввурлар, Сибир шомонлари дунёқарашидаги ягона ғоявий мифологик асосни қидиради. Олим табиат ва инсон уйғунлигининг кўзга кўринмас узвларини аниқлаш мақсадида шомонлик амалиёти ва унинг моҳиятини ўрганиш асносида, шомоннинг оғир дардга чалиниши, чеккан азоблари, шомоннинг муқаддас дарахти тўғрисидаги тушунчалар, шохли буқа култи ва шомонийлик ўртасидаги боғлиқлик, йиртқич онакулти ҳамда шомон руҳининг туғилиши ва тарбияланиши борасидаги халқ қарашларини текширади. У шомон дарахтининг тақдир дарахти сифатида талқин қилар экан қадимги одамларнинг ҳаёт дарахти борасидаги мифологик қарашларига бориб тақалишини билдиради [7;65]. Г.В.Ксенофонов томонидан қайд этилган шомон афсоналари деталларини – ўзбек шомонларининг кўл олиши, шомонликни қабул қилгунгача бўлган воқеа-ҳодисаларнинг

тафсилотини ўзбек шомон афсоналарида ҳам кузатишимиз мумкин. Ўзбек шомонлари ҳам худди Сибир шомонлари каби қамланишидан олдин оғир дардга чалинади, Г.В.Ксенофонов таъкидлаган йиртқич она култи бизнинг ўзбекларда момолар, парилар номи билан аталувчи Ғайб олам вакиллари бўлиб, кўпинча, аёл жинсига мансуб деб тасаввур қилинадиган мифологик мавжудотлардир.

Л.П.Потапов 1930 йили Хоразмдан ўзбек шомон маросимлари фольклори материалларини ёзиб олган. У Хива туманидаги Писканак қишлоғида яшовчи Ёқут порхондан шомон айтимларини, Хоразм вилоятининг Ғозовот туманидаги Уйғур қишлоғида яшовчи Худоёр порхон Давлатовдан шомон чорловлари матнини, шу ерлик Ражаб порхон Собир ўғлидан касалларни даволаш мақсадида ўтказиладиган шомон «ўйин»и тафсилоти, порхонларнинг пирлари ва порхонлик амалиёти билан боғлиқ кўшиқ-айтимларни ҳамда порхонларнинг қай тариха шомонликни қўлга киритишини изоҳлашга қаратилган оғзаки ҳикояларини ёзиб олган [5]. Бироқ, этнограф Л.П.Потапов порхоннинг касб эгаллашидан олдин бошидан кечирган воқеаларни тасвирласа-да, уларни бирор бир фольклор жанрига мансублиги борасида ҳеч қандай фикр билдирмаган. Аммо олимнинг ёзиб олган оғзаки ҳикоялари Хоразм шомонларининг афсоналари эди. Хусусан, Ражаб порхоннинг жинларга чалингани-ю, касалланиб қолгани, оғир касалликдан парилар талаби билан доира олиб, қамлангач холос бўлганлигини тасвирловчи оғзаки ҳикояни келтиради. Мазкур оғзаки ҳикоя воқеаларининг ҳаёлий уйдирмага асосланганлиги, мифологик образларнинг иштирок этиши, энг муҳими, эпик қаҳрамоннинг қай тариха шомонлик касбини қўлга киритганлигини изоҳлаганлиги билан муҳим аҳамият касб этади. Санаб ўтилган белгилар шомон афсонасининг жанр табиатига хос эканлигини алоҳида қайд этмоқчимиз.

1990 йилларга келиб, Этнограф А.О.Булатов доғистонликлар эътиқодида шомонийликка хос белгиларни ўрганар экан, шомон касаллиги, шомон афсоналари борасида ҳам ўз қарашларини билдиради [1]. А.О.Булатов

доғистонлик шомонларнинг шомонлик амалиётини бошлашдан олдин оғир дардга мубтало бўлиши, беморнинг дардига тиббиёт ожизлик қилиши ва уни шомонларгина даволаши, соғайгач, у шомонлик амалиёти билан шуғуллана бошлаши борасида мулоҳазаларини билдиради.

Таниқли рус фольклоршуноси Е.С.Новикнинг 1984 йилда эълон қилган “Сибир шомонлигида маросим ва фольклор” монографияси шомон маросимлари фольклорини илмий асосда тадқиқ этишда муҳим аҳамият касб этди [8]. Е.С.Новик 1978 йилда шомон афсоналари поэтикаси масаласига бағишланган тадқиқот яратгани маълум [9]. 1990 йилларда Г.И.Дзенiskeвич Аляска атапасклари замонавий фольклорида шомон ҳақидаги ҳикояларга бағишланган мақоласини эълон қилди [4]. Г.И.Дзенiskeвич томонидан эълон қилинган оғзаки ҳикоялар шомоннинг камланиши ва шомонликни қўлга киритиши борасида ҳикоя қилиниши, фантастик талқиннинг етакчилиги билан шомон афсонаси табиатига хошлигини кўрсатиб туради. Шу даврда О.Б.Варламов ғарбий бурят халқи шомонлиги билан боғлиқ афсона ва маросимларни тадқиқ этди [2]. О.Б.Варламов томонидан эълон қилинган фольклор матеиалларининг каттагина қисмини шомон ва унинг мўъжизалари билан боғлиқ афсоналар ташкил этган эди. Тарихчи ва этнограф С.А.Токаревнинг диннинг қадимий шакллари борасидаги тадқиқотида шомонларнинг кимлигини изоҳлаш мақсадида шомон афсоналари келтирилади. Олим шомонни руҳий хаста, тутқаноқ ва эплекцияга мойил шахс сифатида талқин қилади. Шомоннинг экстаз ҳолатини, унинг Ғайб олам вакиллари билан мулоқотга киришишини ҳар ким ҳам англайвермаслигини таъкидлайди [12]. 2010 йилга келиб М.В.Пурбуева бурят фольклорида шомон образини тадқиқ этди. Унинг тадқиқот объекти шомон афсоналари эди [11]. М.В.Пурбуева эпик воқеликда шомон образининг яратилиши, шомон образининг поэтик такомилли борасида илмий кузатишлар олиб боради.

С.А.Подузова ва А.М.Сағалаевлар Жанубий Сибирда кенг тарқалган ўрта асрлардан кейинги давр тарихий далиллари асосида шомонни ёқиш

билан боғлиқ ҳикоя сюжетини қиёсий ўргандилар. Улар томонидан амалга оширилган мазкур тадқиқот ҳам шомон афсоналарининг бадиий-эстетик нуқтаи назардан алоҳида тадқиқ этиш кераклигини билдиради [10].

2011 йилга келиб, Е.Н.Дувакин профессор Е.С.Новик илмий раҳбарлигида “Сибир халқлари шомон афсоналари: сюжет-мотив таркиби ва ареал тарқалиши” мавзусида номзодлик диссертацияси ҳимоя қилди [3]. Е.Н.Дувакин Сибир халқлари шомон афсоналарининг 500га яқин матнларини таҳлил қилди ва мотивлар кўрсаткичлари каталогини ишлаб чиқди.

Ўзбек фольклоршунослигида шомоннинг қамланишини изоҳлашга қаратилган тафсилотларни бадиий ифодалаган айтимлар фольклоршунос О.Қаюмов томонидан 1990 йилларда ёзиб олина бошланган. Фольклоршунос О.Қаюмов ўзбек бахши, қушнот ва фолбинларининг қандай қилиб шомонликни қўлга киритганлиги билан боғлиқ маълумотларни тўплаган. Тадқиқотчи томонидан ёзиб олинган дала материаллари орасида Навоий вилояти Хатирчи туманида истиқомат қилувчи бахши Тўлғаной Мирзаеванинг мифологик ҳомийлари саналмиш париларининг қай тарих ошно бўлганлиги, париларнинг шомон амалиётида бажарадиган мифологик вазифалари, париларнинг ташқи кўринишлари, исмлари борасида ҳозиргача таъбулашганлиги сабабли фанга маълум бўлмаган маълумотлар, эпик воқеаларнинг фантастик талқини қайд этилган. Шунингдек, Навоий вилоятининг Навбаҳор туманида яшовчи фолбин Шоира Ҳақбердиеванинг фолбинликнинг қўлга киритишини изоҳловчи шомон афсонаси, шомоннинг мифологик ҳомийлари – париларнинг номлари, вазифалари, миллати хусусидаги; Карманалик Шамсия Ашурованинг мифологик ҳомийлари ва унинг фолбинликни қўлга киритишини изоҳлаган фантастик воқеаларга асосланган оғзаки ҳикояларни, бу ҳикояларда шомон мифологик ҳомийси саналмиш париларнинг миллати билан боғлиқ маълумотларни ёзиб олган. Фольклоршунос О.Қаюмов томонидан пари образи ва пари ҳақидаги халқ қарашларига асосланган юқоридаги маълумотлар парилар борасида уларнинг миллий, жинсий, ирқий мансубияти ва мифологик вазифалари хусусидаги

маълумотларни илк бор фанга олиб кирди [15]. 2004 йилда О.Қаюмов “Шомон афсоналари” номли мақоласини эълон қилди [13]. Бу мақоласида тадқиқотчи шомон афсонасининг эпик жанрлар тимиде тутган ўрни, афсонага хос бўлган оғзаки матнлар билан таққослаш асносида шомон афсоналарининг ўзига хослигини деталма-детал ёритган ва бу типдаги афсоналарнинг жанр табиатига хос назарий қарашларини олға сурган эди. 2007 йилда эса, олимнинг “Ўзбек шомон маросим айтимлари” номли китоби эълон қилинди [14]. Мазкур китобда фольклоршунос О.Қаюмов шомон афсоналарининг матнларини эълон қилганди. 2016 йилда О.Қаюмов “Ҳақиқатга айланган мўъжизалар” номи билан шомон ва унинг амалиёти оқибатида содир бўлган ҳаёлий уйдирмага асосланган оғзаки ҳикояларни эълон қилди [17]. Мазкур китобдан ўрин олган оғзаки ҳикоялар асосан, Фарғоналик шомон София ая ва унинг мифологик ҳомийлари бўлган боболарнинг беморларни даволашидаги мўъжизалари тафсилотини ўз ичига олади. Китобда келтирилган эпик талқиндаги қаҳрамонлар замондошларимиз эканлиги, улар дунёнинг турли жойларидан, ҳатто, бошқа миллат ва бошқа динга мансуб шахсларнинг ўзбек шомонига мурожаат қилганлиги, унинг олқишидан кейин талабларини бажаргач, шомоннинг мифологик ҳомийлари – Боболар томонидан муолажа қилиниб, соғайиб кетганлигини изоҳловчи ва энг қизиғи мўъжизаларни исботловчи далиллар асосидаги фантастик воқеалар тафсилоти келтирилади.

2019 йилда О.Қаюмов ўзбек шомон афсоналарининг образлар тизими ва шомон мўъжизалари борасидаги илмий мақоласини эълон қилди [18]. Фольклоршунос ўз мақоласида шомон афсоналарида талқин этилган воқеа-ҳодисаларнинг ҳаёлий уйдирмага асосланишини оғзаки эпик матннинг асосий мезони сифатида қарайди. Бироқ, ахборотчилар томонидан ақлбовар қилмас мўъжиза содир бўлганлигини изоҳлаш ва уни исботловчи далилларнинг келтирилиши, шомон мифологик ҳомийси бўлган Ғайб олам вакиллари – Боболарнинг мавжудлиги ҳамда уларнинг эпик қаҳрамонда жарроҳлик амалиёти ўтказиш мотиви, ахборотчининг танасидаги чандиқлар,

Ўт қопидан олинган тошлар, бошқа бир оқ қон касаллигига чалинган ахборотчининг мифологик ҳомийлар томонидан қонини тўлик алмаштирилганлиги ва улар ўзларининг келганликларини исботлаш учун пиёлада “Оллоҳ” сўзини араб алифбосида битганлиги кабиларни таҳлил қилади. Тадқиқотчининг назарий хулосалари шомон афсоналарини алоҳида тўплаш, уларни изчил ўрганиш, бошқа халқлар шомон афсоналари билан чоғиштириш, бу типдаги афсоналарнинг таснифлаш мезонларини ишлаб чиқиш, таснифлаш ҳамда ўзбек шомон афсоналарининг бадий хусусиятларини атрофлича тадқиқ этиш лозимлиги кўрсатади.

Хуллас, шомоннинг шомонликни қўлга киритиши ва шомоннинг касалларни даволаши уларнинг оқибатларини изоҳлашга қаратилган оғзаки эпик матнлар шомон афсоналари сифатида ўтган асрнинг бошларида рус олимлари томонидан ўрганила бошлаган. Бу типдаги афсоналарни дастлабки тўпловчилари этнографлар бўлиб, улар ўзлари ёзиб олган шомон афсоналари таҳлиллари орқали шомонийликнинг моҳиятини очишга, шомонийлик эътиқодининг сирларини очишга интилишдан иборат эди.

Туркий халқлар фольклоршунослигида шомон афсоналари фольклор жанри сифатида ўтган асрнинг саксонинчи йилларида Е.С.Новик томонидан илк бор филологик жиҳатдан тадқиқ этилди. 1990 йилларда ўзбек фольклоршуноси О.Қаюмовнинг пари образи билан боғлиқ изланишлари ва ташкил этган фольклор экспедициялари натижасида биринчи марта ўзбек шомон афсоналари ёзиб олинди. 2000 йилдан ўзбек шомон маросим фольклорини монографик ўрганишга киришган О.Қаюмовнинг кейинги даврда ташкил этган фольклор экспедициялари кундаликлари ҳамда дала ёзувларида Самарқанд, Навоий, Бухоро, Фарғона вилояти шомонларининг қўл олиш билан боғлиқ афсоналари қайд этилган.

Ўзбек шомон афсоналарининг спецификасидан келиб чиқиб уларни таснифлаш, образлар таркибини аниқлаш ва сюжет тизимини мифопоэтик аспектда таҳлил қилиш, сюжет тизимидаги мотивлар генезисини ойдинлаштириш каби қатор филологик муаммолар турибди. Бу ўзбек шомон

афсоналарини ўзбеклар истиқомат қиладиган барча ҳудудлардан алоҳида тўпланиши, айни пайтда амалиётда бўлган шомонлардан уларнинг қамланиши ва қамнинг одамларга муносабатларида шомон мифологик ҳомийлари таъсирини бадиий изоҳлаган оғзаки насрий матнларни ёзиб олиниши ўзбек халқ насри такомилени ўрганиш учун муҳим материал беришини эътибордан қочирмасликни талаб этади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Булатов А.О. Реликты шаманство у народов Дагестана. //Советская этнография, 1991. – № 6. – С.115-125.
2. Варламов О.Б. Шаманизм западных бурят. Легенды и обряды. – Иркутск: ПФ Улисс, 1995. – с.
3. Дувакин Е.Н. Шаманские легенды народов Сибири: сюжетно-мотивный состав и ареальное распределение: Дисс.канд фил.наук. – Москва: Российский гуман.унв., 2011. – 433 с.
4. Дзенискевич Г.И. Сказания о шаманах в современном фольклоре атапасков Аляски. // Фольклор и этнографическая действительность. – Санкт-Петербург: СПб.,1992. – С.147-155.
5. Жўраев М. Л.П.Потапов – фольклоршунос //Ўзбек фольклоршунослиги масалалари. 3-китоб. – Тошкент, Фан, 2010.– 158 б.
6. Ксенофонтов Г. В.Шаманизм. Избранные труды (Публикации 1928-1929 гг.) – Якутск: Север-Юг, 1992. – 320 с.
7. Ксенофонтов Г.В. Легенды и рассказы о шаманах у якутов, бурят и тунгусов. – Иркутск: Власть труда, 1928. – 77 с.
8. Новик Е.С. Обряд и фольклор в Сибирском шаманизме. – Москва: нашриёт, 1984 . – 237 с.
9. Новик Е.С. Поэтика шаманских легенд (к вопросу о соотношении обряда и фольклора) //Эпическое творчество народов Сибири и Дальнего Востока (Материалы Всесоюзной конференции фольклористов)

/Ред. Н.В. Емельянов, В.Т. Петров. – Якутск: Якутский филиал СО АН СССР, 1978. – С. 104-109.

10. Подузова С.А., Сагалаев А.М. Из истории шаманство на Алтае //Известия Сибирского отделения АН СССР. Серия общественных наук. 1983. № 6. Вып. 2. – С. 111-114.

11. Пурбуева М.В. Шаманский прозаический фольклор бурят: сюжеты, мотивы и персонажи: Дисс.канд.фил.наук. – Улан-Удэ: Инс-т монголоведения, буддологии и тибетологии СО РАН, 2010. – 138 с.

12. Токарев С. А. Ранние формы религии. – Москва: Политиздат, 1990. – 622 с.

13. Қаюмов О. Шамон афсоналари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2004. 6- сон .– Б.38-40.

14. Қаюмов О. Ўзбек шомон маросим айтимлари. – Навоий: НавДПИ, 2007. – 64 б.

15. Қаюмов О. Ўзбек шомон маросим фольклори (спецификаси, генезиси, жанрлар таркиби ва поэтикаси): Филол.фан.докт. дисс.авторреф. – Тошкент: ШЗРФА Шзбек тили ва адабиёти инс-ти, 2020. – 78 б.

16. Қаюмов О. Ўзбек шомон маросим фольклори поэтикаси. – Тошкент: Иқтисод-молия, 2021. – 168 б.

17. Қаюмов О. Ҳақиқатга айланган мўъжизалар. – Навоий: Алишер Навоий номидаги нашриёт, 2016. – 204 б.

18. Kayumov O. The Tails About Uzbek Shaman Miracles / International Virtual Conference on The Ways of Innovative Approach on the Deployment of Science and Edcation.–USA.Vol. 9 Issue 5(Special Issue). May 2019. – P.12 - 19.